

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШЕРИМБЕТОВ САНЖАР ГУЛМИРЗОЕВИЧ

**ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ СУВИ ҚУРИГАН ҲУДУДЛАРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.01 – биокимё, 03.00.10 – экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по биологическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)
on biological science**

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларидағи ўсимликларнинг молекуляр-биологик ва экологик хусусиятлари	3
Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич Молекулярно-биологические и экологические особенности растений высохшего дна Аральского моря	29
Sherimbetov Sanjar Gulmirzoevich Molecular-biological and ecological peculiarities of species of plants in the drying bottom of the Aral Sea	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	61

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШЕРИМБЕТОВ САНЖАР ГУЛМИРЗОЕВИЧ

**ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ СУВИ ҚУРИГАН ҲУДУДЛАРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.01 – биокимё, 03.00.10 – экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Рустам Султанович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадирова Дильбар Абдуллаевна
биология фанлари доктори

Хамидов Ғуломжон
биология фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Алишер Абдумавлянович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил 19 июль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Д-190 рақами билан рўйхатга олтнган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2017 йил 6 июль куни тарқатилди.
(2017 йил 6 июлдаги №3 рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш.У.Турдикулова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда курсоқчил ва шўрланган тупроқлардаги ўсимликлар мослашувининг биокимёвий ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда шу асосда уларни иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли ўсимликларнинг қарийб 700 тури доришунослик ва фитомелиорация ишларига кенг жалб қилинган¹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамизнинг кам ўрганилган худудларидаги ўсимликлардан амалиётда, хусусан фитомелиорант ва доривор хом ашё сифатида фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, муайян натижаларга, жумладан Орол денгизи сувидан бўшаган ҳудуд – Оролқумнинг биологик ресурс имкониятларини аниқлаш, уларни тиббиёт, фармацевтика ва кимёвий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўллаш, Оролқум ўсимлик захирасидан биологик фаол бирикмалар ажратиб олишда фойдаланиш борасида натижаларга эришилди.

Бугунги кунда дунёда экологик инқирозга учраган худудлардаги биологик ресурсларни таснифлаш, стресс омилларга мослашишининг биокимёвий, физиологик ва экологик тамойилларини аниқлаш, мавжуд ресурслардан инқирозга учраган ерларни тиклашда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиди. Айниқса, Орол денгизининг қуриган худудларидаги ўсимликларнинг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологик хусусиятларидаги ўзгаришларни асослаш, замонавий усуллар ёрдамида уларни ДНК маркерлари орқали аниқлаш ва улардан фойдаланиш долзарб муаммолардан биридир. Орол денгизининг қуриган худудларидаги ўсимликларнинг молекуляр-биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар қуидагича изоҳланади: Жанубий Оролқум худудидаги ўсимлик турларини аниқлаш; уларнинг ДНК баркодини амалга ошириш; биокимёвий усуллар орқали ўсимликларнинг ташқи муҳитга мослашишини исботлаш; ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш; ажратилган моддаларнинг бактерияларга қарши фаоллигини аниқлаш; ўсимликларни самарали фитомелиорация ишлари учун экологик гурухларга ажратиш; кўчма қумлар ва шўрҳокликларни тўхтатиш мақсадида олинган натижаларни амалиётга жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги №363-сон «Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида экологик ҳалотнинг оқибатларини енгиллаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш» Халқаро конференция доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹International Institute for Environment and Development (<http://www.iied.org>), International Center for Biosaline Agriculture (<http://www.biosaline.org>)

2017 йил 18 январдаги №ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орололди миңтақасини ривожлантириш Давлат дастури тұғрисидаги» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятта тегишли бошқа мөйөрий-хұқуқий ҳужжатларда белгиланған вазифаларни амалға оширишга ушбу диссертация тадқиқоти мұайян даражада хизмат қиласы.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йұналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хұжалиғи, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазасы» устувор йұналишига мұвоғиқ бажарылған.

Диссертация мавзуси бүйіча хорижий илмий тадқиқотлар шархи². Орол денгизининг қуриган шимолий туби ўсимликларининг экологияси, генетик хилма-хиллиги, ўсимликлар кимёвий таркибини тадқиқ этишга йұналтирилған илмий изланишлар жағоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Universität Bielefeld, Johannes Gutenberg-Universität (Германия), International Center for Biosaline Agriculture (Бирлашған Араб Амирликлари), Tokyo University of Agriculture and Technology (Япония), Москва давлат университет, Ўсимликлар физиологияси институти (Россия), Ботаника ва фитоинтродукция институти (Қозоғистон), Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Шўрланған ва қурғоқчил ҳудудлардаги ўсимликларнинг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологик хусусиятларига оид жағонда олиб борилған тадқиқотлар натижасыда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинған: дунёning турли миңтақаларыда тарқалған *Atriplex* туркуми турларининг молекуляр филогенияси ишлаб чиқылған (Johannes Gutenberg-Universität, Германия; Москва давлат университет, Россия); шўрланған ва қурғоқчил ҳудудларда тарқалған ўсимликларнинг кимёвий элементлар таркиби аниқланған (Tokyo University of Agriculture and Technology, Япония; International Center for Biosaline Agriculture, Бирлашған Араб Амирликлари); мұхим фитомелиорант ўсимликларнинг аминокислота ва минерал элементлар таркиби аниқланған (Ботаника ва фитоинтродукция институти, Қозоғистон; Ўсимликлар физиологияси институти, Россия); ўсимликлардаги стресс экологик омиллар таъсирида юзага келадиган мослашишлар ва улардаги биокимёвий жараёнлар асоси илмий исботланған (Universität Bielefeld, Германия).

Дунёда шўрланған тупроқларда ўсишга мослашган ўсимликларнинг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологияси хусусиятларини аниқлаш бүйіча қатор, жумладан, қуйидаги устувор йұналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Орол денгизининг шимолий қисми ўсимликлар экологиясини тадқиқ этиш; Орол регионада тарқалған айрим полиморф турларнинг молекуляр филогениясіни ишлаб чиқиши; чўл ҳудудига мослашган

² Диссертациянинг мавзуси бүйіча хорижий илмий-тадқиқотлар шархи www.sciencedirect.com, www.researchgate.net, www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқылған.

ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва ўсимликлардаги биокимёвий жараёнларни очиб бориш; амалий аҳамиятга эга ўсимликларни фитомелиорация ишларига жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Орол денгизи суви қуриган жанубий ҳудудларнинг ўсимлик турларининг хилма-хиллиги бугунги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, Жанубий Оролқум ўсимлик турларини биокимёвий ва молекуляр-биологик усуллар ёрдамида ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари олимларидан иборат The Consortium for the Barcode of Life (CBOL) Plant Working Group томонидан *rbcL*, *matK*, *rpoB*, *rpoC1* генлари ҳамда *atpF-atpH*, *psbK-psbI*, *trnH-psbA* спейсерлари асосида ёпиқ уруғли ўсимликларнинг молекуляр филогенияси ва турлар эволюциясини аниқлашга эришилган. G.Kadereit, S.Fior, E.V.Mavrodiev, E.H.Zacharias, D.Iamonico, A.P.Sukhorukov, R.Hand, K.Kefalas томонидан *Atriplex* туркуми турларининг молекуляр систематикаси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Германиянинг Билефельд университети, Россия давлат педагогика университети, Қозоғистоннинг Ботаника ва фитоинтродукция институти олимлари ҳамкорлигига Орол денгизининг қуриган шимолий қисмининг ўсимликлар қоплами классификацияланган (W.Wucherer, S.-W.Breckle, Л.А.Димеева, Л.Я.Курочкина, Л.А.Кузнецов, И.В.Панкратова). Қозоғистон ҳудудида тарқалган *Haloxylon persicum*, *H. aphyllum*, *H. ammodendron* турлари таркибидаги аминокислота ва минерал элементлар таркиби аниқланган (Г.Ж.Байсалова, С.М.Болысбекова, А.Х.Хамзина, Р.Ш.Еркасов). Марказий Қизилқум ҳудудида тарқалган ўсимликларнинг кимёвий элементлар таркиби аниқланган (K.N.Toderich, E.V.Shuyskaya, T.M.Khujanazarov, I.Shoaib, K.Yoshiko).

Ўзбекистон чўл ўсимлик турларининг макро- ва микроэлементлар, аминокислоталар миқдорини аниқлаш, оқсил-пептидлар ва бошқа кимёвий бирикмаларини ажратиш бўйича Биоорганик кимё институти ва Ўсимлик моддалари кимёси институтларининг турли лабораторияларида бир неча йиллар давомида ўсимлик захиралари асосида турли дори воситаларини яратиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ўсимликлардан оқсил ва пептидларни ажратиш бўйича дастлабки изланишлар, уларнинг биологик фаолликлари тадқиқоти академик О.С.Содиқов ва академик Ш.И.Салихов раҳбарликлари остида амалга оширилган. Республикаизда маданий ўсимлик турларини молекуляр-биологик ва генетик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ЎзР ФА академиклари А.П.Ибрагимов, А.Абдукаримов, профессорлар Р.С.Мухамедов ва И.Ю.Абдурахмоновлар томонидан амалга оширилган.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ҳамда ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Табиий фанлар илмий тадқиқот институти томонидан жанубий Орололди ҳудудининг ўсимликларини қопламиининг таснифи аниқлаш, ўсимликларнинг кимёвий элементлари миқдорини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилган (С.К.Кабулов, Ш.Камалов,

Т.Т.Рахимова, Х.Ф.Шомуродов, У.Алланазарова, Х.К.Матжанова, Д.М.Тажетдинова).

Орол денгизи атрофи ўсимликларининг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁФ7-ФА-0-29481 «Ўзбекистонда ўсадиган *Solanaceae* ва *Ranunculaceae* оилаларига тегишли ўсимликларни биологик фаол компонентларини систематик ўрганиш» (2014–2015.) ҳамда «Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази» Давлат корхонасининг ЁФ5-001 рақамли «Баъзи чўл ўсимликларининг филогениясининг ДНК маркерларини кўллаш орқали ўрганиш» (2014–2015) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Орол денгизининг жанубий қуриган ҳудудларидағи ўсимликларнинг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг ресурс имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролкум ҳудуди ўсимликларни аниқлаш ва биокимёвий усуллар орқали уларнинг ташқи муҳитга мослашишини исботлаш;

ўсимлик ва тупроқ намуналари таркибидаги макро- ва микроэлементларни аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқликларини солиштириш;

ўсимликларнинг ер устки қисмлари таркибидаги эркин аминокислоталар миқдорини жумладан, шўрланган тупроқлардаги мослашиш индикациясини аниқлаш;

кенг тарқалган ўсимлик турлари экстрактларидан оқсил-пептидлар фракциясини ажратиш ва олинган фракцияларнинг бактерияларга қарши фаоллигини бирламчи синовдан ўтказиш;

ташқи муҳитга мослашган ўсимликларнинг *psbB-psbH* региони ва *rbcL*, *matK* генлари ДНК баркодини амалга ошириш;

Atriplex pratovii ўсимлигининг *rbcL* ва *matK* генлари асосида турлараро ва туркумлараро молекуляр филогениясини аниқлаш;

Жанубий Оролкум ҳудудида кенг тарқалган ўсимликларни самарали фитомелиорация ишлари учун экологик гурухларга ажратиш;

Жанубий Оролкум қумларининг тарқалишини тўхтатувчи ўсимликларнинг самарали тарқалиши учун асос бўладиган тавсиялар ишлаб чиқиш шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилиши учун бошқарув органларига тегишли хужжатлар тақдим этиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Жанубий Оролкумда тарқалган ўсимлик турлари, уларнинг баркод генлари, кимёвий элементлар, эркин аминокислота, оқсил ва пептидлари олинди. Лаборатория тахлиллари учун материаллар 2006–2016 йилларнинг турли мавсумларида йиғилди.

Тадқиқотнинг предмети ўсимликларнинг генетик хилма-хиллиги, баркод (маркер) генларнинг бирламчи тузилиши, макро- ва микроэлементлар ва эркин аминокислоталар миқдори ҳамда ажратилган оқсил-пептидларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини амалга оширишда биокимёвий ва молекуляр-биологик (экстракция, чўқтириш, ажратиш, гель-электрофорез, юқори самарали суюқлик хроматографияси, ДНК ажратиш, ПЗР, флуорометрия, секвенс), физик-кимёвий (нейтрон-активацион таҳлил) ва экологик усуллардан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

Жанубий Оролкум ҳудудида 220 юксак ўсимлик турлари (шундан 130 тури илк бор) ўсиши аниқланган ва мазкур ҳудуд ўсимликлари Эрон-Турон флораси замирида пайдо бўлганлиги исботланган;

ўсимлик турларининг таркибидан 38 та, тупроқ таркибидан 37 та кимёвий элементларнинг миқдори, рений элементи ўсимлик таркибидан аниқланган ҳамда ҳудудда тарқалган ўсимлик органлари таркибидаги эркин аминокислоталар миқдори аниқланган, фенилаланин ва пролиннинг ўсимликларнинг стресс омилларга мослашишидаги роли исботланган;

Орол денгизининг қуриган тубида тарқалган ўсимликларнинг оқсил-пептид компонентлари ажратилган ва уларнинг инсон организми учун патоген ҳисобланган бактерияларга қарши антибиотик потенциалга эга эканлиги исботланган;

илк бор *Atriplex pratovii* ўсимлиги *rbcL* генининг 488, 537 ва 811 жуфт нуклеотиддан, *matK* генининг 283, 403 ва 804 жуфт нуклеотиддан, *psbB-psbH* регионининг 577 жуфт нуклеотиддан иборат кетма-кетлиги аниқланган ва секвенс натижалари EMBL-EBI маълумотлар базасига киритилган;

илк бор *Atriplex pratovii* ўсимлигининг *Atriplex* туркуми бошқа турларидан фарқ қилиши молекуляр-генетик жиҳатдан исботланган ва *Atriplex pratovii* ўсимлигининг *rbcL*, *matK* генлари бўйича турлараро ва туркумлараро молекуляр филогенияси ишлаб чиқилган;

ўсимлик турлари экологик гуруҳларга ажратилган ва уларнинг биоиндикация хусусиятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

ҳудудда аниқланган ўсимлик турларидан Орол денгизининг қуриган тубида фитомелиорация ишларида фойдаланиш тавсия этилган;

ўсимлик турларидан ажратилган оқсил-пептид компонентлар юқори биологик фаолликка эга эканлиги ҳисобга олиниб, улардан янги авлод дори воситалари ишлаб чиқаришда Орол денгизи атрофи ўсимликларидан табиий захира сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланган генлардан Ўзбекистон ҳудудида тарқалган юксак ўсимликларни ДНК баркоди учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилларнинг замонавий биокимёвий, молекуляр-биологик ва физик-кимёвий бир-бирини тўлдирувчи усулларни қўллаш орқали олиб борилганлиги билан тасдиқланади. Илмий натижалар классик статистик, замонавий статистик ва биоинформатик

дастурлар ёрдамида таҳлил қилинди. Секвенс натижалари NCBI ҳамда ENA маълумотлари билан такқосланди ва EMBL-EBI мутахассислари томонидан маъқулланиб, маълумотлар базасига жойлаштирилди. Олинган барча илмий натижаларнинг Биоорганик кимё институти эксперталар комиссияси хуносаси асосида рецензияланган илмий журналларда мунтазам равишда нашр этилиб борилганлиги, шунингдек, республика ва ҳалқаро конференциялардаги муҳокамаси билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, Жанубий Оролқум ҳудудидаги 220 тур юксак ўсимликлар, шундан 130 тури илк бор, аниқланган битта эндем ва 5 та ноёб ўсимлик турлари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг янги нашрлари учун илмий манба сифатида, ўсимликларнинг экологик гурухларига оид маълумотлардан Оролқумда янгидан шаклланаётган ўсимликлар қопламини илмий жиҳатдан баён этишда; ўсимликларнинг шўрланган тупроқларда ўсишга мослашиши биокимёвий жараёнлар билан тасдиқланганлиги; секвенс қилинган генларнинг кетма-кетлиги NCBI ва ENA ҳалқаро маълумотлар базасига жойлаштириганлиги; *Atriplex pratovii* турининг *rbcL*, *maK* генлари бўйича молекуляр филогениясининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Орол денгизининг суви қуриган туби қўчма қум ва шўрхокларини фитомелиорация йўли билан истиқболли турлар (*Tamarix hispida*, *T. ramosissima*, *Halostachys belangeriana*, *Haloxylon aphyllum*, *Salsola dendroides*, *S. orientalis*, *Climacoptera aralensis*, *Nitraria schoberi*, *Lucium ruthenicum*, *Limonium otolepis*) орқали мустаҳкамлаш йўллари ишлаб чиқилиги; мазкур ҳудуд ўсимликларидан ресурс базаси сифати республикамиз доришунослигини ривожлантиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларидаги ўсимликларнинг биокимёвий, молекуляр-биологик ва экологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биоиндикацион хусусиятга эга турлар (*Salsola arbusculaformis*, *S.orientalis*, *S.richteri*, *Alhagi pseudalhagi*, *Kalidium capsicum*, *Halostachys belangeriana*, *Haloxylon aphyllum*, *Atraphaxis spinosa*) индикатор ўсимликлар сифатида, биофаол бирикмаларига эга турлар (*Tamarix ramosissima*, *Alhagi pseudalhagi*, *Peganum harmala*, *Nitraria schoberi*, *Astragalus villosissimus*) доривор ўсимлик захираси сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 9 февралдаги РФ-02/10-914-сон маълумотномаси). Илмий натижалар янги авлод дори воситалари ишлаб чиқаришда Оролқум ўсимлик турларидан захира сифатида фойдаланиш имконини берган;

шўрхокларда кенг тарқалган ўсимлик турлари (*Tamarix hispida*, *Halostachys belangeriana*, *Haloxylon aphyllum*, *Salsola dendroides*, *Climacoptera aralensis*, *Atriplex pratovii*, *Limonium otolepis*) фитомелиорант ўсимликлар сифатида шўрланган ерлар учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг

2016 йил 17 майдаги 06/11-535-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Оролқум ҳудудининг шўрланган ҳудудларида сунъий фитоценозлар яратишида ҳамда фитомелиорация ишларида фойдаланиш имконини берган;

аниқланган ўсимлик турларидан (*Tamarix ramosissima*, *T.hispida*, *Alhagi pseudalhagi*, *Peganum harmala*, *Nitraria schoberi*, *Salsola orientalis*, *S.richteri*, *S. dendroides*, *Halostachys belangeriana*, *Haloxylon aphyllum*, *Climacoptera aralensis*, *Limonium otolepis*) геологик қидирув ишларида, ўрмон ва ўтлоқзорлар барпо этишда, доривор ўсимлик ресурс базаси сифатида жорий этилган (Оролни қутқариш Халқаро фонди GEF Жамғармасининг 2017 йил 7 февралдаги 1/49-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Орололди ҳудуди ўсимликларидан ўрмон ва ўтлоқзорлар барпо этиш ишларида фойдаланиш имконини берган;

Оролқум ўсимликларининг хилма-хиллиги, экологияси, динамикаси ва кимёвий элементлар таркиби бўйича олинган илмий натижалар Россия фанлар академияси Ширшов номидаги Океанология институтининг илмий-тадқиқот ишларида қўлланилган (Россия фанлар академияси Ширшов номидаги Океанология институтининг 2016 йил 11 мартдаги 01/2115-224-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Орололди региони ҳозирги экологик холатини мониторинг қилиш имконини берган.

Atriplex pratovii ўсимлигининг *rbcL*, *matK* генлари, *psbB-psbH* региони секвенси бўйича олинган натижалар Европа нуклеотид архиви (Буюк Британия, Кембридж) EMBL-EBI маълумотлар базасида LT604458, LT604459, LT604460, LT628367 ва улар оқсиллари мос равишида SCB66075.1, SCB66076.1, SCB66077.1, SCZ84109.1 ID ракамлари орқали рўйхатдан ўtkazilgan (<http://www.ebi.ac.uk>). Ушбу секвенс маълумотларидан дунёнинг турли минтақаларида ўсуви турларни ўрганишда глобал доирада фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган: «Биология – наука XXI века» (Пущино, Россия, 2010, 2013); «Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья» (Нукус, 2010); «Проблемы изучения и сохранения растительного мира Евразии» (Иркутск, Россия, 2010); «Advances in botany and ecology» (Yalta, Ukraine, 2010); «Взгляд молодых ученых на актуальные проблемы науки» (Ташкент, 2010); «Актуальные проблемы геоботаники» (Алматы, Казахстан, 2011); «Биохилма-хиллик ва иқлим ўзгариши муаммолари» (Тошкент, 2010); «Миллий касбий таълимда узлуксиз экологик таълим тизимининг илмий асослари: муаммолари ва истиқболлари» (Тошкент, 2012); «Актуальные проблемы биологии и химии» (Пущино, Россия, 2012); «Республиканская научно-практическая конференция молодых ученых, посвященная 70-летию Академии наук Республики Узбекистан» (Ташкент, 2013); «3rd Science in Botanic Gardens Congress» (Gran Canaria, Spain, 2014); «XXI аср – интеллектуал авлод асри» (Тошкент, 2014); «Биоразнообразие, сохранение и рациональное использование генофонда растений и животных» (Ташкент,

2014); «2nd International Conference on Arid Lands Studies» (Samarkand, 2014); «Энерго-и ресурсоэффективные технологии производства и хранение сельскохозяйственной продукции» (Харьков, Украина, 2014); «Актуальные проблемы химии природных соединений» (Ташкент, 2015); «Актуальные проблемы физико-химической биологии» (Ташкент, 2015); «Современная микология в России» (Москва, Россия, 2015); «Proceedings of III (XI) International Botanical Conference of Young Scientists in Saint-Petersburg» (Saint-Petersburg, Russia, 2015); «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» (Астрахань, Россия, 2016); мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотниң объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотниң Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотниң илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Орол денгизи сувидан бўшаган ҳудудларнинг табиий-географик тавсифи ва мавзуга оид илмий манбалар шарҳи» деб номланган биринчи бобида Жанубий Оролқумнинг табиий-географик тавсифи, тадқиқот мавзуси бўйича илмий манбалар шарҳи ва муаммонинг ўрганилиш даражасига оид батафсил шарҳ берилган. Унда Оролқум ҳудудидаги флористик, геоботаник ва экологик тадқиқотлар, шунингдек, *Atriplex* туркуми турлари молекуляр филогенияси устида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда баъзи чўл ўсимликларнинг кимёвий ва биокимёвий тадқиқотлари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишларнинг натижалари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Диссертация ишининг тадқиқот обьекти ва уни амалга оширишда қўлланилган усуллари» деб номланган иккинчи бобида

тадқиқот объекти ва усуллари ёритилган. Ушбу бобнинг параграфларида тадқиқот олиб бориша қўлланилган экологик, биокимёвий, молекуляр-биологик/генетик усуллар, нейтрон-активацион таҳлили, эркин аминокислоталарни аниқлаш усули, умумий оқсил ва пептидлар ажратиш усули, полиакриламид гел-электрофорез усули, умумий оқсил миқдорини аниқлаш усули ва юқори самарали суюқлик хроматографияси усуллари ҳакида батафсил маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «Жанубий Оролқум ўсимликларининг таксономик ва экологик таҳлиллари» деб номланган учинчи бобида таксономик таҳлиллар, ноёб ва эндем ўсимлик турлари, флоранинг қўшни худудлар флоралари билан солишириш, экологик гурухларга оид тадқиқот натижалари ёритилган.

Ўсимлик турларининг таксономик ва географик таҳлиллари. Табиатда йилнинг (2006–2016) турли мавсумларида олиб борилган экспедициялар давомида йиғилган гербарий намуналарини аниқлаш ва ЎзР ФА Ботаника ва зоология институти Марказий гербарий лабораторияси материаллари ҳамда мавжуд илмий манбаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида Жанубий Оролқум худудида 3 бўлим, 4 аждод (синф), 10 аждодча (синфча), 18 катта қабила, 30 қабила, 41 оила, 124 туркумга мансуб 220 юксак ўсимлик турлари ўсиши аниқланди (Sherimbetov et al., 2015; p. 39-50). Шундан 130 тур илк бор аниқланди. Энг йирик *Chenopodiaceae* оиласи 25 туркумга оид 63 турни, умумий флоранинг 28.63 %ини ташкил қиласи. Экспедициялар давомида худудда 5 та ноёб ва битта эндем ўсимлик тури қайд этилди. Уларнинг янги тарқалиш ареаллари ва координатлари аниқланди: *Rosa majalis* (06.05.2014, 44°14.37.8'N, 58°16.29.1'E), *Tulipa biflora* (29.04.2013, 43°44.46.2'N, 58°20.02.1'E), *Tulipa buhseana* (30.04.2013, 44°46.05.8'N, 58°12.06.6'E), *Crambe edentula* (06.05.2014, 44°46.12.8'N, 58°12.05.3'E), *Artemisia austriaca* (06.05.2014, 45°06.10.6'N, 58°19.58.8'E), *Atriplex pratovii* – Оролбўйи эндеми (30.04.2013, 44°30.07.6'N, 58°11.09.8'E). Жанубий Оролқум худуди флорасининг шаклланиши давом этаётганлиги инобатга олинса, ўсимликлар сони ва таксономик бирликлар таркиби албатта кўпаяди. Табиатда олиб борилган кузатишлар асосида Жанубий Оролқум флораси бир неча юз йиллардан кейин унга қўшни табиий-географик районлар флораларидек турғун ҳолатдаги кўринишга келишини таҳмин қилиш мумкин.

Жанубий Оролқумда тарқалган ўсимликларнинг умумий ареалларини аниқлаш мақсадида мавжуд илмий манбалар чуқур таҳлил қилинди. Натижада, худудда тарқалган ўсимликларнинг 39 та ареал типига бирлашиши ҳамда Турон, Эрон-Турон, Европа-Қадимги Ўртаер ва Қадимги Ўртаер ареал типлари энг кўп турларни ўз ичига олиши аниқланди. Умуман олганда, ўрганилган ҳудуд флораси жанубий ва шимолий Оролбўйи худудлари флораси элементлари ҳисобидан шаклланаётганлигини таъкидлаш мумкин. Шубҳасиз, Жанубий Оролқум флораси Эрон-Турон флораси замирида пайдо бўлган, деган хуносага келиш мумкин.

Ўсимлик турларининг экологик таҳлиллари. Кўп йиллик таҳлиллар натижасида худудда кенг тарқалган 66 та ўсимлик тури тупроқ механик

таркибига боғлиқ 4 та, тупроқ таркибидаги тузнинг микдори (шўрга чидамлиги)га боғлиқ 5 та, тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ 5 та ва сувга нисбатан талабчанлигига боғлиқ 4 та экологик гурухларга ажратилди (1-расм).



1-расм. Ўсимликларнинг тупроқнинг механик таркибига (а), тузнинг микдорига (б), намлик даражасига (в) ва сувга талабчанлигига боғлиқ (г) экологик гурухлари

Шўрланган тупроқли майдонларнинг ўсимликлар билан қопланиши галофил ўсимликларнинг псаммофил ўсимликлар қоплами вакиллари билан ўрин алмашиши каби табиий қонуният орқали амалга ошиши тадқиқотлар мобайнида яна бир бор ўз тасдифини топди.

Диссертациянинг **«Полиморф ўсимлик турларининг молекуляргенетик таҳлиллари»** деб номланган тўртинчи бобида *Atriplex pratovii* нинг *rbcL*, *matK* генлари, *psbB-psbH* региони секвенс натижалари, уни бошқа турлар билан таққослаш, турларабо ва туркумлараро молекуляр филогенияси бўйича олинган тадқиқот натижалари баён этилган.

ДНК баркод (DNA barcode). ДНК баркод усули ёрдамида The Consortium for the Barcode of Life (Hollingsworth et. al., 2009; p. 12794-12797) Plant Working Group томонидан *Magnoliophyta* бўлимига мансуб полиморф турларни аниқлашдаги сўнгти молекуляргенетик ёндашув сифатида стандарт 7 та номзод: *rbcL*, *matK*, *groB*, *groC1*, *atpF-atpH*, *psbK-psbI*, *trnH-psbA* плазмид ген ва регионлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Atriplex pratovii ўсимлиги *rbcL* генининг нуклеотидлар кетма-кетлиги. GenBank маълумотлар базасида *rbcL* генининг узунлиги турли қуруқлик ўсимликларида таҳминан 1400-1450 жуфт нуклеотиддан иборатлиги келтирилади. Таҳлиллар якунида *Atriplex pratovii* ўсимлиги *rbcL* генининг 488, 537 ва 811 жуфт нуклеотиддан иборат турли фрагментлари илк бор секвенс қилинди. Олинган натижалар EMBL-EBI маълумотлар базасига жойлаштирилиб, LT604458, LT604460, LT628367 ва уларнинг оқсили учун мос равишида SCB66075.1, SCB66077.1, SCB66077.1 ID рақами олинди:

Forward sequence: 5`-3` . 226 A; 170 C; 183 G; 223 T.

1-60 GATTACAAATTGACTTATTATACTCCTGAGTATGAAACCCTAGATACTGATATCTGGCA
61-120 GCATTCCGAGTAAGCCTCAACCGGGAGTCCACCCGAAGAAGCAGGGGCTGCAGTAGCT
121-180 GCTGAATCTTCTACTGGTACATGGACAACTGTATGGACCGACGGACTTACCGATCTGAT
181-240 CGTTACAAAGGACGATGCTACCACATCGAGCCTGTTGCTGGAGAAGAAAATCAATATATT
241-300 TGTTATGTAGCATATCCCTAGACCTTTGAAGAAGGTCTGTTACTAATATGTTACT
301-360 TCCATTGTGGTAACGTATTGGTCAAAGCCCTGCGTCTACGTTGGAGGATTG
361-420 CGAATCCCTGTTGCTTATGTAAGAAACTTCCAAGGCCGCTCACGGTATCCAAGTTGAG
421-480 AGAGATAAAATTGAACGATTTACCAAAGATGATGAAAACGTGAACCTCCAGCCGTTATG
481-540 CGTTGGAGAGACCGTTCTATTGTGCCGAAGCTCTTATAAAGCACAAGCCGAAACA
541-600 GGCAGAAATCAAGGGTCATTACTGAATGCTACTGCGGTACATGCGAAGACATGATGAAA
601-660 AGGGCTGTATTTGCCAGAGAATTGGGAGTCCCTATCGTAATGCATGACTACTAACAGGG
661-720 GGATTCACTGAAATACTACTTTGTCTCATTATTGCCAGAGATAATGGTCTACTTCTCAC
721-780 ATCCACCGTGCAATGCACGCAGTTATTGATAGACAGAAGAATCATGGTATCCACTCCGT
781-811 GTACTAGCTAAAGCGTTACGTCTGTCGGTG

Геннинг махсулоти: Рибулоза 1,5-бисфосфат карбоксилаза/оксигеназасининг катта суббирлиги оқсили. Аминокислоталар кетма-кетлиги: DYKLTYYTPEYETLDTDILAAFRVSPQPGVPPEAGAAVAEESSTGTWTTVW TDGLTSLDRYKGRCYHIEPVAGEENQYICYVA YPLDLFEEGSVTNMFTSIVGNVFGFKA LRALRLEDLRIPVAYVKTFFQGPPHGIQVERDKLNDFTKDDENVNSQPFMRWRDRFLFCA EALYKAQAEKGKHYLNATAGTCEDMMKRAVFARELGVPIVMHDYLTTGGFTANTT LSHYCRDNGLLLHIHRAVHIDRQKNHGIHFRVLAKALRLSG. Жами 270 та. Молекуляр массаси – 30452 Да.

Atriplex pratovii ўсимлиги *matK* генининг нуклеотидлар кетма-кетлиги. NCBI маълумотлар базасида *matK* генининг узунлиги тахминан 1570 жуфт нуклеотиддан иборатлиги келтирилади. Хитойлик олимлар (Yu Jing et al., 2011; р. 176–181) томонидан 47 оиласга мансуб 58 турдаги ўсимликларда мазкур геннинг тахминан 600–800 жуфт нуклеотиддан иборат қисмида ҳар бир тур учун хос специфик нуклеотидлар кетма-кетлиги (SNP) жойлашганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар якунида *Atriplex pratovii* *matK* генининг 283, 403 ва 804 жуфт нуклеотиддан иборат турли фрагментлари илк бор секвенс қилинди:

Forward sequence: 5`-3` . 250 A; 129 C; 130 G; 295 T.

1-60 CAAACTCTCGCTACTGGTTGAAAGATGCTTCTTCGATTAGTAAGATTTTTCTATA
61-120 TGAGTCTCGTAATTAAATAGTCTTATTACTCCAAAGGAATTCAATTCTTTGAAAAAA
121-180 AGAAATAAAAGATTATTCTTCTTCCTATATAATTTCATGTATGCGAATATGAATCCTTT
181-240 TTTGTTTTCTCCGTAACCAATCTTCTTACAAACCAACTCTTTGGAAACCTTATT
241-300 GAACGAATTCAATTCTATGGAAAACCTAAATATCTAGGAAAAGTTTGACTAAAGATT
301-360 GGGTTATCCTATGGCTTTCAGAGAACCTTCCGCATTATGTTAGGTATCAAGGAAA
361-420 TCAATTCTAGCCTAAAAGGGCATCTCTTGTGCGAGAAATGGAAAATTACCTTATC
421-480 CATTTCGGCAATGTCATTCTGTCTGGTCTCAACCAAAAGACTCTATATCAATCGA
481-540 TTGAGAACCATTCCTAGACTTATGGGTTTATTCAAATGTGCGACTCAATTCTCA
541-600 GTAATACGGAGTCAAATGTTAGAAAATGCAATTCTAATAGAAAATATTAGTAAGAAGTT
601-660 GATACCATAGTCCAATTATTCTTGGTGGATCGTGGCTCAAGCGAGATTTGTAAT
661-720 GGATTAGGGCATCCCATTAGTAAGCCGGTCTGGACCGATTATCCGATTCTGATATT
721-780 GATCGATTGGTCGTATATAGAAATATTTCATTATAGTGGCTCTCAAGAAA
781-804 AAAAGTTGTATCGAATAAGTAT

matK генининг секвенс қилинган қисми ушбу геннинг интрони хисобланиб, матураза оқсили аминокислоталар кетма-кетлигини кодламайди.

Atriplex pratovii ўсимлиги *psbB-psbH* регионининг нуклеотидлар кетма-кетлиги. Молекуляр систематик олимлар томонидан қуруқлик ўсимликлар баркодида аввал *rbcL* ва *matK* генларидан, кейин *psbA*, *trnH*, *ITS* каби маркер

генларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Шу асосида *rbcL* ва *matK* генларидан ташқари *Atriplex pratovii* ўсимлиги *psbB*-*psbH* региони асосида ҳам ўрганилди. Мазкур регион *psbB* (қисман), *psbN* (тўлиқ), *psbT* (тўлиқ) ва *psbH* (қисман) генларини ўз ичига олади. Илмий маълумотларда *psbB* гени 1527, *psbN* 105 гени, *psbT* 132 гени ва *psbH* гени 222 жуфт нуклеотиддан иборатлиги келтирилади.

Тадқиқотлар натижасида *psbB*-*psbH* регионининг 577 жуфт нуклеотиддан иборат фрагменти илк бор секвенс қилинди ва у EMBL-EBI маълумотлар базасига жойлаштирилди. *psbT* гени учун LT604459 ва унинг оқсили учун мос равишида SCB66076.1 ID рақамлари олинди:

Forward sequence: 5`-3` . 190 A; 95 C; 100 G; 192 T.

```
1-60 GCATTCCA AAAAATTGGAGATCCA ACTACAAGAAGACAAGGAGTTAATACAACATTGGT
61-120 TTATGCTTTGGTTCTATTGGGTTGATTGACAGAGGATACTAGAGCAATCTTGATT
121-180 GAATCACCCACCCTTGTTATCATTATTGGGAAAATAATCTCAAGTAAACAGGTATGGAA
181-240 GCTATAATTGTAACCACAATCGAATCTATGGAAGCATTGGTTATACATTTCTATTAGT
241-300 CTCTACTCTAGGGATAATTTCGCTATCTTTGGGAACCTCCTAAAATTCAC
301-360 TAAAAAAATGAAATGGTTTTCATCATTCAATTGAAGTAATGAGCCTCCAATATTGGAA
361-420 GGCTCATTACTTCGACTAATCTCCGTGTTCCCTCGAAAGGATCTTAGTTGTTGAGAGGG
421-480 TTGCCCAAAAGCGGTATATAAGGCATAACCCAGTAAAATCACCAGTAAACCAGATATAAA
481-540 GATGGCGACTAGGGTTGCTGTTCCATTATTAGATAATTAAAGACCACAATGGATCTAT
541-577 GATAAAATCATGTATTACAACGGAATGGTATACAAA
```

Геннинг маҳсулоти: фотосистема II суббирлиги оқсили. Аминокислоталар кетма-кетлиги: MEALVYTFLVSTLGIIFFAIFFREPPKISTKK. Жами 33 та. Молекуляр массаси – 3821 Да.

Atriplex pratovii ўсимлигининг бошқа турлар ва туркумлар билан молекуляр-генетик жиҳатдан таққослаши. *A.pratovii* турининг юқорида келтирилган *rbcL* ва *matK* генлари нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича олинган маълумотлар NCBI ва ENA маълумотлар базасида *Atriplex* туркуми турлари ҳамда *Chenopodiaceae* оиласига мансуб *Atriplex* туркумига яқин бошқа туркумларга оид секвенс маълумотлари MEGA4 биоинформатик дастури ёрдами таққосланди. Натижада *A. pratovii* турининг *rbcL* ва *matK* генлари бўйича турлараро ва туркумлараро ўхшашлик ва фарқлари аниқланди (2-расм).

Ўрганилган турнинг *rbcL* гени бўйича *A.canescens*, *A.spongiosa*, *A.laciniata* турларига жуда яқинлиги, *A.glaucia*, *A.centralasiatica*, *A.rosea*, *A.coriace*, *A.leucoclada* турларидан битта полиморфизм бўйича фарқ қилиши (нисбатан яқинлиги), *A.voucher* туридан эса *rbcL* гени бўйича 8 та, *matK* гени бўйича 40 полиморфизм бўйича кескин фарқ қилиши аниқланди (1-жадвал). *rbcL* гени бўйича *A. pratovii* турининг, шу жумладан, *Atriplex* туркумининг *Chenopodiaceae* оиласи туркумлари ичida *Cretophyton* туркумига энг яқин туриши (фақат битта полиморфизм билан фарқланиши) исботланди.

Atriplex pratovii ўсимлигининг турлараро молекуляр филогенияси. *A.pratovii* турининг туркум ичидаги турлараро ўхшашлик ва фарқларига янада ойдинлик киритиш мақсадида унинг *rbcL* ва *matK* генлари бўйича молекуляр филогенияси ўрганилди. Илк бор секвенс натижалари асосида *A.pratovii* нинг молекуляр филогенияси ишлаб чиқилди (3-расм).

	TAT	TAA	CCA	ACT	TCT	TTC	GGA	AAC	CTT	ATT	GAA	CGA	ATI	CAT	TTC	TAT	GGA	AAA	CTA	AAA	TAT
rena_JX517608	G...
nicola_HE855638	C...	G...
lta_AY514830	G...
is13_FR775272	G...
lata_HE855637	G...
lata_JN894220	G...
lata_JX517874	G...
l_AY042550	G...
ialis_FR775273	G...
luscula_JN966128	G...
l_JN966239	G...	T...	C...	...	C...

	TTC	ACT	AAA	GAT	TTT	GGG	GTT
rena_JX517608
nicola_HE855638
lta_AY514830
is13_FR775272
lata_HE855637
lata_JN894220
lata_JX517874
l_AY042550
ialis_FR775273
luscula_JN966128
l_JN966239


2-расм. *A. pratovi* нинг *math* генига асосланган турлараро таққослаш натижалари

1-жадвал

Atriplex pratovii ўсимлигининг *matK* генидаги полиморфизмлар сони ва унинг матураза оқсилидаги ўзгарган аминокислоталар сонининг *Atriplex* туркумининг бошқа турлари билан таққослаш*

Турлар	Ген бўйича полиморфизмлар сони (умумий нуклеотидлар сони) – ўхшашлик фоизи	Оқсилидаги ўзгарган аминокислоталар сони (умумий аминокислоталар сони) – ўхшашлик фоизи
<i>A.canescens</i>	4(645) - 99 %	3(215) - 98 %
<i>A.deserticola</i>	12(654) - 98 %	8(218) - 96 %
<i>A.truncata</i>	13(654) - 98 %	9(218) - 95 %
<i>A.hortensis</i>	18(654) - 97 %	13(218) - 94 %
<i>A.sagittata</i>	20(654) - 96 %	13(218) - 94 %
<i>A.laciniata</i>	20(654) - 96 %	13(218) - 94 %
<i>A.prostrata</i>	22(645) - 96 %	14(215) - 93 %
<i>A.patula</i>	26(624) - 95 %	15(208) - 92 %
<i>A.littoralis</i>	13(330) - 96 %	9(160) - 94 %
<i>A.glabriuscula</i>	22(627) - 96 %	16(209) - 92 %
<i>A.voucher</i>	40(654) - 93 %	24(218) - 88 %

Изоҳ: * - таққослаши учун *Atriplex pratovii* *matK* генининг матураза оқсилини кодловчи 654 жуфт нуклеотиддан иборат фрагменти ва 218 аминокислотаси олинди



З-расм. *A.pratovii* нинг *matK* (а) генига асосланган турлараро ва *rbcL* (б) генига асосланган туркумлараро молекуляр филогенияси

Хулоса ўрнида *A.pratovii* турининг *A.canescens*, *A.spongiosa*, *A.laciniata* турларига филогенетик жиҳатдан жуда яқинлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, мазкур тур *A.centralasiatica*, *A.rosea*, *A.hortensis*, *A.patula* турларига ҳам филогенетик жиҳатдан яқинлиги исботланди.


Atriplex pratovii ўсимлигининг туркумлараро молекуляр филогенияси. MEGA4 биоинформатик дастури ёрдамида *rbcL* гени секвенси асосида *A.pratovii* турининг (жумладан, *Atriplex* туркумининг) *Chenopodiaceae* оиласига мансуб туркумлараро молекуляр филогенияси ишлаб чиқилди (3б-расм). Таҳлиллар натижасида *Atriplex pratovii* турининг *Cremophyton lanfrancoi* турига энг яқинлиги илк бор исботланди.

Диссертациянинг «Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларидағи ўсимлик турлари ва тупроқ намуналарининг кимёвий элементлар таркиби» деб номланган бешинчи боби ўсимлик ва тупроқ намуналари таркибидаги кимёвий элементлар миқдорига оид тадқиқот натижаларига бағищланган.

Ўсимлик турлари таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ва уларнинг таҳлиллари. Оролқум тупроғининг минераллик даражаси ҳисобга олиниб, ҳудудда тарқалған истиқболли ўсимликларнинг нафақат экологик гурухлари, балки уларнинг таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ҳам аниқланди. Тадқиқотлар натижасида биринчи марта Жанубий Оролқумда тарқалған турли систематик бирликларга мансуб 24 та ўсимлик турларининг таркибидан 38 та кимёвий элементларнинг миқдори аниқланди: баъзи ўсимликларнинг индикацион хусусиятларга эга эканлиги намоён бўлди (4-расм). Илмий манбаларда рений элементининг факат ер қаърида учраши келтирилади, унинг тирик организмлар таркибида учраши эса келтирилмайди. Такрорий таҳлиллар натижасида ўсимлик органлари таркибида Re элементининг миқдори илк бор аниқланди.


Мазкур элементнинг ўрганилган ҳудудда тарқалған бошқа оила турларига нисбатан *Chenopodiaceae* оиласи турлари таркибида юқори даражада эканлиги, айниқса, мазкур оиланинг бошқа туркум турларига нисбатан *Salsola* туркуми турларида нисбатан турғун ва юқори кўрсаткичда эканлиги исботланди.

Тупроқ намуналари таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ва уларнинг таҳлиллари. Ўрганилган ҳудуднинг турли жойларидан келтирилган тупроқ намуналарини таҳлил қилиш натижасида 37 та кимёвий элементнинг миқдори илк бор аниқланди. Бу кимёвий элементларнинг аксарияти ўсимлик намуналари таркибида ҳам аниқланди. Аксарият микроэлементлар миқдорининг турли тупроқ таҳлили намуналарида ўзгариши тупроқнинг гумус даражаси, pH мұхитининг ўзгариши, гранулометрик таркиби ва, албатта, экотопдаги биологик хилма-хиллик даражаси билан бевосита боғлиқдир. Экосистемадаги микрофлора, ўсимлик ва ҳайвон турларининг хаёт циклига боғлиқ ҳолда ҳам тупроқ таркибидаги кимёвий элементларнинг таркиби мавсумий ёки йиллар давомида ўзгариб бориши табиий жараёнларнинг умумий бошқарилувида кечмоқда.



4-расм. Ўсимликлар таркибидаги айрим кимёвий элементларнинг миқдорий нисбатлари, мкг/г: 1—*Ephedra strobilacea*; 2—*Atriplex pratovii*; 3—*Krascheninnikovia ewersmanniana*; 4—*Kalidium capsicum*; 5—*Halostachys belangeriana*; 6—*Salsola arbusculaformis*; 7—*Salsola dendroides*; 8—*Salsola orientalis*; 9—*Salsola richteri*; 10—*Haloxylon aphyllum*; 11—*Anabasis salsa*; 12—*Camphorosma monspeliacum*; 13—*Nanophyton erinaceum*; 14—*Climacoptera aralensis*; 15—*Atraphaxis spinosa*; 16—*Limonium otolepis*; 17—*Tamarix hispida*; 18—*Tamarix ramosissima*; 19—*Alhagi pseudalhagi*; 20—*Peganum harmala*; 21—*Artemisia diffusa*; 22—*Lycium ruthenicum*; 23—*Convolvulus fruticosus*; 24—*Carex physodes*

Ўсимлик турлари ва уларнинг тупроғи таркибидаги кимёвий элементлар миқдорининг ўзаро боғлиқликлари. Йилдан-йилга Оролқум тупроғининг таркибидаги сульфат, хлор, натрий, магний, калий каби минераллар кўпайиб бормоқда. Ўсимлик ва тупроқ таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш мақсадида намуналар биргаликда таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида ўсимлик турларининг уларнинг тупроқ (ўсиш) шароитлари намуналари таркибидаги минераллар ўртасида ўзаро тафовутлар борлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. Турли экологик гурухларга мансуб ўсимликларнинг тупроқ таркибидаги минераллар билан боғлиқликлари, мкг/г: а-псаммофитлар; б-гипсофитлар; в-галофитлар


Псаммофит гурухига мансуб турларда калий, галофит гурухига мансуб турларда натрий, гипсофит гурухига мансуб турларда эса калций элементининг миқдори нисбатан юқори даражада қайд этилди. Мазкур ўсимликлар иштирокида ҳосил бўлган жамоалар шўрхок миңтақалар ва шўрланган қумли тупроқларда прогрессив характерда ривожланиб бормоқда.

Haloxylon aphyllum ўсимлигининг кимёвий элементлар миқдорини тупроқ таркибидаги элементлар миқдори билан ўзаро таққослаш. Ҳудудда тарқалган ўсимликларнинг адаптацион хусусиятларини англаш мақсадида кенг тарқалган қора саксовул – *Haloxylon aphyllum* (*Chenopodiaceae*) ўсимлигининг ўсиш тупроғи, илдизи, ер устки қисмларининг кимёвий элементлар миқдори аниқланди. Натижада унинг ўсиш тупроғи ва илдизи таркибидаги 37 та, ер устки қисмидаги эса 38 та кимёвий элементларнинг миқдори аниқланди. Таҳлил натижалари ўрганилган намуналар таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ўртасида тафовутлар борлигини кўрсатди. Масалан, Ti ва V факат тупроқ намуналари таркибидаги, Re, Hg ва Se эса факат ўсимлик илдизи, ер устки қисмидаги учраши аниқланди. Br, Cu, Ni илдизнинг пўстлоқ

қисмида унинг ички қисмидаги ҳужайраларга қараганда сезиларли даражада кўп микдорда тўпланаётганлиги аниқланди. Оролқумда тарқалган *Haloxylon aphyllum* таркибида Ag, Sb, U, Br, Mo элементларининг, Қозоғистон ҳудудида тарқалган ушбу ўсимлик таркибида эса Fe, Cu, Ni элементларининг микдори юқори даражада эканлиги ўзаро таққослаш натижалари асосида аниқланди.

Диссертациянинг «Айрим ўсимлик турларининг биокимёвий тахлиллари» деб номланган олтинчи бобида эркин аминокислоталар, оқсил-пептид компонентлар микдори ва уларнинг антимикроб фаолликларига оид маълумотлар берилган.

Эркин аминокислоталар микдори. Аминокислоталарнинг ўсимлик ташқи мухитнинг ноқулай экологик омилларига жавоб реакциясидаги аҳамиятини англаш мақсадида ўрганилган ҳудудда кенг тарқалган 15 та ўсимликнинг вегетатив органларидаги эркин аминокислоталар микдори ўрганилди (6-расм).



6-расм. Оролқум ҳудудида ўсуви чайни тарқалган ўсимлик органлари таркибидаги эркин фенилаланин (а) ва пролин (б) микдорининг Устюрт ва Қўйи Амударё табиий районларида тарқалган турлари билан таққослаш натижалари, мг/г

Маълумки, баъзи эркин аминокислоталар ўсимликларнинг турли салбий экологик омилларга жавоб реакциясида катта роль ўйнайди. Олимлар ўсимликлардаги стрессорларнинг умумий адаптив жавобида иштирок этувчи “ўзгача” эркин аминокислоталарни “стресс” гуруҳи аминокислоталари деб аташади. Бундай эркин аминокислоталарга аланин, фенилаланин ва пролин киради (Delauney, 1993; Епринцев, 2003).

Илмий манбаларда фенилаланин flavonoidлар синтезининг бирламчи материали сифатида келтирилади. Фенилаланин аммионий-лиаза (ФАЛ) ферменти таъсирида эркин фенилаланин кислота табиатига айланади ва у ҳужайрадаги қўпгина биокимёвий жараёнлар боришида каталитик вазифани амалга оширади. Айниқса, стресс омиллар таъсирида эркин фенилаланиннинг таъсири жадаллашади. Пролиннинг ўсимликлардаги шўрланиш стресс шароитида нафақат ҳужайрадаги осмотик потенциални, балки, NaCl нинг салбий таъсиrlарини камайтириши ҳам исботланган (Delauney, 1993; Епринцев, 2003). Шунингдек, ўсимликларга туз таъсир эттирилганида пролиннинг антиоксидант хусусиятини намоён қилиши тажрибаларда исботланган (Шевякова, 2009; Андреева, 2010).

Ўсимликларнинг тузга чидамлилик механизмида фенилаланин ва пролин миқдорининг ўзгариши маданий ўсимликлар устида олиб борилган тажрибалар орқали тасдиқланган (Abd El-Samad, 2010; Епринцев, 2003).

